

## Ҳадис дарслари (116-дарс). Ширк бут ёки санамга чўқинишдан иборат эмас (биринчи мақола)



13:00 / 23.12.2020 5652

هُلَّوَحَّوَلِاقَمَّلسَوِهُيَلَعُهُلَلِإِيْلَصِهَلَلِالْوُسَرَّأَتِمَّأَصِلَانَبَّعَدَابُعُنَع  
الْوِ،أَيُّيَشِهَلَلِإِبِأُوْكَرْشُتْالْأَنْأَيَلَعِيْنُوعِيَابِ؛وَبِأَخْصَأْنَمُةَبِأَصْرَع  
نَاتُهُبِبِأُوْتَأْتِالْوِ،مُكْدَالِوَأْأُولُتْقَتِالْوِ،أُوْنَزَتِالْوِ،أُوْقُرْسَت  
يَفَوْنَمَفِ،فِوُرْعَمِيفِأُوْصَعَتِالْوِ،مُكْلُجْرَأُوْمُكِيْذِيْأُنْيَبُهُنُورْتَفَت  
أِيْنُدَلِإِيْفَبِقُوْعَفِأَيُّيَشِكَلْدَنْمَبِأَصَأْنَمُو،هَلَلِإِيْلَعُهُرْجَأَفْمُكُنْم  
هَلَلِإِيْلِوُهَفُهُلَلِأَهْرَتَسْمُثْأَيُّيَشِكَلْدَنْمَبِأَصَأْنَمُو،هَلْةَرَأَفَكْوُهَف  
الْإِيْسَمَّخَلْأَهَاوَرِ،كَلْدِإِيْلَعُهُأَنْعِيَابِفِ،هَبَقَاعِءَأَشْنِإُوْهَنْعِأَفَعِءَأَشْنِإِ  
دُوَادِأَبِأ:

Убода ибн Сомит розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофларида саҳобаларидан бир жамоа турганида:**

**«Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслигингиз, ўғрилиқ қилмаслигингиз, зино қилмаслигингиз, болаларингизни ўлдирмаслигингиз, қўл ва оёқларингиз орасидан тўқилган бўҳтон келтирмаслигингиз ва маъруф ишда осий бўлмаслиқларингиз ҳақида менга байъат қилинг. Бас, сиздан ким бунга вафо қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир. Ким ўшалардан баъзи нарсани қилиб қўйиб, дунёда уқубатини олган бўлса, бу унинг учун каффоротдир. Ким ўшалардан баъзи нарсани қилиб қўйсаю, сўнгра Аллоҳ уни сатр қилган бўлса, у Аллоҳга ҳавола. Хоҳласа, уни афв қилади, хоҳласа, жазолайди», дедилар. Бас, биз у зотга ана шу ҳақида байъат қилдик».**

*Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.*

**Шарҳ:** Бу ҳадисни Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу ривоят қилмоқдалар. У киши билан танишмиз.

Ушбу ҳадис байъат ҳақидаги энг машҳур ҳадислардан биридир. Чунки ҳадиснинг ровийси байъат тарихининг биринчи кунидан бошлаб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олган барча байъатларда иштирок этиш бахтига муяссар бўлган улуғ саҳобий Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудирлар.

Ҳижратдан олдинги ҳар йилги ҳаж мавсумида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳажга келган қабилаларга ўзларини таништириб, уларни Исломга чақирар эдилар. Бир мавсумда у зот алайҳиссалом Минодаги тош отадиган «Ақаба» номли жойда Ясриб (Мадина)дан келган Хазраж қабиласига мансуб кишиларни учратиб қолиб:

**«Ўтирсангиз, сизга гапим бор эди»,** дедилар. Улар:

«Хўп», деб ўтиришди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни Аллоҳга даъват қилдилар, Исломни арз қилиб, Қуръон тиловат қилиб бердилар. Улар янги пайғамбар чиқиши, унинг сифатлари ва чиқиш вақти яқинлашиб қолгани ҳақида яҳудийлардан эшитган эдилар. Бир-бирларига:

«Бу, ўша пайғамбар-ку, яҳудийлар биздан ўзиб кетмасинлар», дедилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чақириқларини қабул қилиб, Исломга кирдилар.

Улар юртларига қайтиб бориб, Ислом хабарини ҳамма томонга тарқатдилар. Келаси йили ўн икки киши келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан «Ақоба»да учрашдилар.

Ушбу ҳадисда зикр қилинган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг атрофидаги жамоа ўшалар эди. Ўша ўн икки кишининг бирлари, ҳадиснинг ровийси Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан ушбу ҳадисда зикр этилган байъатни олдилар. Устоз сўрашган эди, Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуни устоз қилиб, қўшиб бердилар. Янаги мавсумгача Ясрибдаги ҳар бир уйга Ислом кириб борди, келаси йилда етмиш уч эркак, икки аёл келиб, мусулмон бўлдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар билан кечаси яширинча учрашганлар. Улар кўпчилик бўлганлари туфайли байъат учун ичларидан «нақиб»лар сайлашни топширганлар.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу ўша сайланган нақиблардан бири эдилар. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга енгилу оғир пайтда қулоқ осиб, итоат қилишга, амри маъруф, наҳйи мункар қилиш, доимо ҳақ гапни айтиш, Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмаслик, агар Ясрибга (Мадинага) келсалар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нусрат бериш, у зотни ўзларини, аёлларини ва болаларини ҳимоя қилган нарсадан ҳимоя қилиш ҳақида байъат қилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга бу ишларнинг мукофоти жаннат бўлишининг хабарини бердилар. Ушбу байъат «иккинчи Ақоба байъати» деб номланади.

Мазкур байъатдаги нусрат бериш ваъдаси – аҳди учун мадиналик мусулмонлар «Ансорий» (нусрат, яъни ёрдам берувчилар) номини олганлар.

Кейинроқ Маккадан ҳижрат қилиб келган муҳожира аёллардан ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам алоҳида байъат олганлар. Бу ҳақда Қуръони Каримда оятлар ҳам бор. Ушбу байъат «аёллар байъати» деб номланади.

Ҳудайбияда эса аввал зикр қилганимиздек, дарахт тагидаги байъат розилик байъати бўлди. Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу бу байъатда ҳам иштирок этдилар.

Биз ўрганаётган ушбу ҳадиси шарифда «биринчи Ақоба байъати» ҳақида сўз кетмоқда. Ҳадиснинг аввалида унинг қандай ҳолда бўлганини аниқ

васф қилиш мақсадида ровий:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг атрофларида бир жамоа саҳобалари турганида», демоқда.

Аввал зикр қилинганидек, бу жамоа ўн икки кишидан иборат бўлиб, уларнинг ичида Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу ҳам бор эдилар. Ҳодиса Минодаги Ақабада – шайтонга тош отиладиган жойда бўлиб ўтган.

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмон бўлиб, у зотнинг раҳбарликлари остидаги Исломи жамоасида яшашга қарор қилган мазкур кишиларга, аввало, нималарга аҳд беришлари лозимлигини баён қилиб бердилар. Бу нарсалар қуйидагилардан иборат эди:

1. «Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслигиниз...»

Яъни, Аллоҳнинг ваҳдониятига иймон келтириш ҳақида аҳд беринг. Иймоннинг асли, Исломининг асоси шудир. Шунинг учун ҳам у ҳамма нарсадан олдин зикр қилинди. Тавҳид бўлмаса, бошқа бирор нарсанинг бўлиши мумкин эмас. «Ҳеч нарсани» деганлари умумийликни ифода қилади. Баъзи бир одамлар ўйлаганидек ширк фақат бут ёки санамга чўқинишдан иборат эмас. Ширкнинг турлари жуда кўп. Хулоса қилиб айтганда, банд Аллоҳнинг ибодати қолиб, бошқанинг ибодатини, Аллоҳнинг айтгани қолиб, бошқанинг айтганини қилганда Аллоҳга ширк келтирган бўлади.

*(Давоми бор)*

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**